ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

PHILOLOGICAL RESEARCH: LANGUAGE, LITERATURE, EDUCATION

FILOLOGIK TADQIQOTLAR: TIL, ADABIYOT, TA’LIM

ФИЛОЛОГИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ: ЯЗЫК, ЛИТЕРАТУРА, ОБРАЗОВАНИЕ

ILMIY-INNOVATSION JURNAL

Jurnal OAK Rayosatining 2022-yil 30-sentabrdagi 325/6-son qarori bilan filologiya fanlari bo‘yicha doktorlik dissertatsiyalari asosiy ilmiy natijalarini chop etish tavsiya etilgan ilmiy nashrlar ro‘yxatiga kiritilgan

2021-yildan buyon nashr etiladi

2024/ № 11

Termiz – 2024

Muassis:
Termiz davlat universiteti

PHILOLOGICAL RESEARCH: LANGUAGE, LITERATURE, EDUCATION

FILOLOGIK TADQIQOTLAR: TIL, ADABIYOT, TA'LIM

ФИЛОЛОГИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ: ЯЗЫК, ЛИТЕРАТУРА, ОБРАЗОВАНИЕ

ILMIY-INNOVATSION JURNAL

O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Administratsiyasi huzuridagi Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar agentligi tomonidan 2020 yil 19 oktyabrda 1122 raqami bilan ro'yxatga olingan.

Matnlarda foydalanilgan misol, ko'chirma va ma'lumotlar aniqligi uchun mualliflar javobgardir. Jurnaldan ko'chirib bosilganda manba qayd etilishi shart.

Bosishga ruxsat etildi: 28.11.2024
Qog'oz bichimi: 70x85
Bosma tabog'i: 5.94
Ofset bosma. Ofset qog'ozi
Adadi: 100
Bahosi kelishilgan narxda
Buyurtma: 155-son

«TerDU bosmaxonasi»da chop etildi
Termiz shahri,
Barkamol avlod ko'chasi, 43-uy

Tahririyat manzili:
190111, Termiz shahri,
Barkamol avlod ko'chasi, 43.
Telefon: +998762231649

E-mail:
philologicalresearch@umail.uz
Rasmiy sayt:
www.philologicalresearch.uz

BOSH MUHARRIR:
Abduqodir TOSHQULOV,
iqtisod fanlari doktori, professor

TAHRIR HAY'ATI:

Bekpo'lat Umurqulov, *filologiya fanlari doktori, professor (bosh muharrir o'rinbosari)*
Shoxista Maxmaraimova, *filologiya fanlari doktori, professor (mas'ul muharrir)*
O'ral Xoliyorov, *f.f.f.d. (PhD), dotsent (O'zbekiston)*
Olmos Ulviy Binnatova, *f.f.d., professor (Ozarbayjon)*
Karl Rayxl, *f.f.d., professor (Germaniya)*
Vali Savash yelok, *f.f.d., professor (Turkiya)*
Dorota Silviya, *f.f.f.d. (PhD), dotsent (Polsha)*
Muslihiddin Muhiddinov, *f.f.d., professor (O'zbekiston)*
Ibodulla Mirzayev, *f.f.d., professor (O'zbekiston)*
Abdi Mamatov *f.f.d., professor (O'zbekiston)*
Suyun Karimov *f.f.d., professor (O'zbekiston)*
Muhammadxon Hakimov, *f.f.d., professor (O'zbekiston)*
Nafas Shodmonov *f.f.d., professor (O'zbekiston)*
Dilmurod Quronov, *f.f.d., professor (O'zbekiston)*
Murodqosim Abdiyev, *f.f.d., professor (O'zbekiston)*
Baxtiyor Mengliyev, *f.f.d., professor (O'zbekiston)*
Normat Yo'ldoshev, *f.f.d., dotsent (O'zbekiston)*
Abdulla Xudoyqulov, *f.f.f.d. (PhD) (O'zbekiston)*
Bobonazar Murtazayev, *f.f.n., dotsent (O'zbekiston)*
Asqar Eshmo'minov, *f.f.d., dotsent (O'zbekiston)*
Obidjon Shofiyev, *f.f.f.d. (PhD), dotsent (O'zbekiston)*
Zafar Umurqulov, *f.f.f.d., dotsent, (PhD) (O'zbekiston)*
Nurali Amonturdiyev, *f.f.f.d. (PhD) (O'zbekiston)*
Hakim Ahmedov, *f.f.f.d. (PhD) (O'zbekiston)*
Ahad Shukurov, *f.f.f.d. (PhD) (O'zbekiston)*
Eshnazar Jabborov, *f.f.f.d. (PhD) (O'zbekiston)*
Abdumurod Arslonov, *f.f.f.d. (PhD) (O'zbekiston)*
Sirojiddin Turdimurodov, *f.f.f.d. (PhD) (O'zbekiston)*
Umida Raximova, *f.f.f.d. (PhD) (O'zbekiston)*
Gulchehra Begmatova, *f.f.f.d. (PhD) (O'zbekiston)*
Nargis Qurbonazarova, *f.f.f.d. (PhD) (O'zbekiston)*
Muyassar Xolova, *f.f.f.d. (PhD) (O'zbekiston)*
Shoira Omonturdiyeva, *f.f.f.d. (PhD) (O'zbekiston)*
Sherzod Turdiqulov, *f.f.f.d. (PhD) (O'zbekiston)*
Zaynura Qodirova, *f.f.f.d. (PhD) (O'zbekiston)*
Humayun Nadim Muhammad, *f.f.f.d. (PhD) (O'zbekiston)*
Dilrabo Ergasheva, *f.f.f.d. (PhD) (O'zbekiston)*

Texnik muharrir: Bahodir To'raliyev

Учредитель:
Термезский государственный университет

PHILOLOGICAL RESEARCH: LANGUAGE, LITERATURE, EDUCATION

FILOLOGIK TADQIQOTLAR: TIL, ADABIYOT, TA'LIM
ФИЛОЛОГИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ: ЯЗЫК, ЛИТЕРАТУРА, ОБРАЗОВАНИЕ

НАУЧНО-ИННОВАЦИОННЫЙ ЖУРНАЛ

Зарегистрировано Агентством информации и массовых коммуникаций при Администрации Президента Республики Узбекистан от 19 октября 2020 года под номером 1122.

Авторы несут ответственность за точность приведенных в текстах примеров, отрывков и данных. Необходимо указывать источник при копировании из журнала.

Разрешено к печати: 28.11.2024
Размер бумаги; 70x85
Печатный лист: 5.94
Офсетная печать: Офсетная бумага
Тираж: 100
Цена договорная
Заказ: 155
Печатано в «Типографии ТерГУ»
ул. Баркамол авлод 43, г. Термез

Адрес редакции:
190111, г.Термез, ул. Баркамол авлод, 43.
Телефон: +998762231649

E-mail:
philologicalresearch@umail.uz

Официальный сайт:
www.philologicalresearch.uz

ГЛАВНЫЙ РЕДАКТОР:
Абдукадир ТАШКУЛОВ,
доктор экономических наук, профессор

РЕДАКЦИОННАЯ КОЛЛЕГИЯ:

Бекпулат Умуркулов, *доктор филологических наук, профессор (зам. главного редактора)*
Шохиста Махмараимова, *доктор филологических наук, профессор (ответственный редактор)*
Урал Холияров, *ф.ф.ф.д. (PhD), доцент (Узбекистан)*
Олмос Улвий Биннатова, *д.ф.н., профессор (Азербайджан)*
Карл Райхл, *д.ф.н., профессор (Германия)*
Вали Саваш Елок, *д.ф.н., профессор (Турция)*
Дорота Сильвия, *PhD, доцент (Польша)*
Муслихиддин Мухиддинов, *д.ф.н., профессор (Узбекистан)*
Ибодулла Мирзаев, *д.ф.н., профессор (Узбекистан)*
Абди Маматов, *д.ф.н., профессор (Узбекистан)*
Суюн Каримов, *д.ф.н., профессор (Узбекистан)*
Мухаммадхон Хакимов, *д.ф.н., профессор (Узбекистан)*
Нафас Шодмонов, *д.ф.н., профессор (Узбекистан)*
Дилмурод Куронов, *д.ф.н., профессор (Узбекистан)*
Мурадкасим Абдиев, *д.ф.н., профессор (Узбекистан)*
Бахтиёр Менглиев, *д.ф.н., профессор (Узбекистан)*
Нормат Юлдашев, *д.ф.н., доцент (Узбекистан)*
Абдулла Худайкулов, *д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)*
Бобоназар Муртазаев, *ф.ф.н., доцент (Узбекистан)*
Аскар Эшмуминов, *д.ф.н., доцент (Узбекистан)*
Обиджон Шофиев, *д.ф.ф.н. (PhD), доцент (Узбекистан)*
Зафар Умуркулов, *д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)*
Нурали Амонтурдиев, *д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)*
Хаким Ахмедов, *д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)*
Ахад Шукуров, *д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)*
Эшназар Джаббаров, *д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)*
Абдумурод Арслонов, *д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)*
Сирожиддин Турдимуродов, *д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)*
Умида Рахимова, *д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)*
Гульчехра Бегматова, *д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)*
Наргис Курбаназарова, *д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)*
Муяссар Холова, *д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)*
Шаира Амонтурдиева, *д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)*
Шерзад Турдикулов, *д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)*
Зайнура Кадирова, *д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)*
Хумаюн Надим Мухаммад, *д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)*
Дильрабо Эргашева, *д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)*

Технический редактор: Баходир Туралиев

Institutor:
Termez State University

PHILOLOGICAL RESEARCH: LANGUAGE, LITERATURE, EDUCATION

FILOLOGIK TADQIQOTLAR: TIL, ADABIYOT, TA'LIM

ФИЛОЛОГИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ: ЯЗЫК, ЛИТЕРАТУРА, ОБРАЗОВАНИЕ

SCIENTIFIC-INNOVATIONAL JOURNAL

Registered by the Agency for Information and Mass Communications under the President`s Administration of the of the Republic of Uzbekistan on October 19, 2020 under number 1122.

The authors are responsible for the accuracy of the examples, passages and data provided in the texts. The source must be specified when copying from the journal.

Approved for printing: 28.11.2024
Size of the paper: 70x85
Printed sheet: 5.94
Offset printing. Offset paper
Circulation: 100
Price is negotiable
Order: 155

Printed at the
«Printing House of the TerSU»
43, Barkamol avlod str. Termez city.

Address of Editorial Office:
190111, Barkamol avlod str., 43,
Termez city.
Phone: +998762231649

E-mail:
philologicalresearch@umail.uz

Official website:
www.philologicalresearch.uz

EDITOR IN-CHIEF:
Abdukodir TASHKULOV, doctor of economic sciences, professor

EDITORIAL BOARD:

Bekpulat Umurkulov, *doctor of philological sciences, professor (Uzbekistan) (deputy chief editor)*
Shohista Makhmaraimova, *doctor of philological sciences, professor (Uzbekistan) (editor-in-chief)*
Ural Kholiyorov, *PhD, associate professor (Uzbekistan)*
Olmos Ulviy Binnatova, *doct.of philol. sciences, professor (Azerbaijan)*
Karl Rayxl, *doct.of philol. sciences, professor (Germany)*
Vali Salvash Elok, *doct. of philol. sciences, professor (Turkey)*
Dorota Silvia, *PhD, associate professor (Poland)*
Muslihiddin Mukhiddinov, *doct.of philol. sciences, professor (Uzbekistan)*
Ibodulla Mirzaev, *doct.of philol. sciences, professor (Uzbekistan)*
Abdi Mmatov, *doct.of philol. sciences, professor (Uzbekistan)*
Suyun Karimov, *doct.of philol. sciences, professor (Uzbekistan)*
Muhammadkhon Khakimov, *doct.of philol. sciences, professor (Uzbekistan)*
Nafas Shodmonov, *doct.of philol. sciences, professor (Uzbekistan)*
Dilmurod Kuronov, *doct. of philol. sciences, professor (Uzbekistan)*
Muradkasim Abdiyev, *doct. of philol. sciences, professor (Uzbekistan)*
Bakhtiyor Mengliev, *doct. of philol. sciences, professor (Uzbekistan)*
Normat Yuldashev, *doct.of philol. sciences, associate professor (Uzbekistan)*
Abdulla Khudaykulov, *PhD (Uzbekistan)*
Bobonazar Murtazaev, *cand.of philol. sciences, associate professor (Uzbekistan)*
Askar Eshmuminov, *doct.of philol. sciences, associate professor (Uzbekistan)*
Obidjon Shofiev, *PhD, associate professor (Uzbekistan)*
Zafar Umurkulov, *PhD (Uzbekistan)*
Nurali Amonturdiev, *PhD (Uzbekistan)*
Hakim Akhmedov, *PhD (Uzbekistan)*
Ahad Shukurov, *PhD (Uzbekistan)*
Eshnazar Jabbarov, *PhD (Uzbekistan)*
Abdumurod Arslonov, *PhD (Uzbekistan)*
Sirojiddin Turdimurodov, *PhD (Uzbekistan)*
Umida Rakhimova, *PhD (Uzbekistan)*
Gulchekhra Begmatova, *PhD (Uzbekistan)*
Nargis Kurbanazarova, *PhD (Uzbekistan)*
Muyassar Kholova, *PhD (Uzbekistan)*
Shoira Omonturdiyeva, *PhD (Uzbekistan)*
Sherzod Turdikulov, *PhD (Uzbekistan)*
Zaynura Kadirova, *PhD (Uzbekistan)*
Humayun Nadim Muhammad, *PhD (Uzbekistan)*
Dilrabo Ergashova, *PhD (Uzbekistan)*

Technical editor: Bakhodir Turaliyev

МУНДАРИЖА

TILSHUNOSLIK

AMANOV ABDIJABBOR SATTAROVICH
Murakkab sintaktik tuzilmalar haqida 7

УСМОНОВА ШАҲОДАТ
Газета дискурсида таржима масаласи: Трансформацион таҳлил 11

XOLNAZAROV UMID ERKINOVICH
Tog‘ay Murod uslubiy bayonida antropomorf metaforalarning voqelanishi 16

BABAXANOVA DILAROM AXMATXANOVNA
Tilning mohiyati va vazifalarini yuzaga keltirishda uslubiyatning o‘rni 19

ИБАТОВА АМИРА ШАВКАТОВНА
Лексика – тилдаги барча сўзларнинг йиғиндиси 23

NABIYEVA RUSHANA JAMOL QIZI
O‘zbek tilidagi yangi oziq-ovqat o‘zlashmalarining leksikografik tavsifi masalalari:
Muammo va vazifalar 26

NABIYEVA PARVINA AKBARJANOVNA
Jahon tilshunosligida tezaurus tushunchasi va uning tadqiqi 30

MUXAMMADIYEV NODIR RUSTAMZODA
Qashqadaryo viloyati o‘zbek shevalariga fors-tojik
va arab tillaridan o‘zlashgan so‘zlar tahlili 35

ASATULLAYEVA DILNAVOZ JONDULLAYEVNA
Morfonologik hodisalar va ularning Buxoro viloyati o‘g‘uz shevalarida uchrashi 39

ABDULLAJONOVA MADINA TO‘LANBOY QIZI
Yozma nutq shakllanishi va rivojlanishining psixolingvistik tahlili 42

NAZARMATOVA KUMUSH FARHODOVNA
O‘zbek tilida komplimentlarning lingvopragmatik tahlili
(O‘. Hoshimovning «Ikki eshik orasi» asari misolida) 46

MUHSINJONOVA SHIRINOY ASLIDDIN QIZI
«Devonu lug‘otit-turk» asarida qo‘llangan taom nomlarining qiyosiy tadqiqi 50

MUKUMOV MAKHMUD KHUDAYBERDIEVICH
Lexical composition of scientific prose 53

НАТАЛЬЯ БАЗАРОВНА РАДЖАПОВА
Гендерная лексика в туркменском языке 56

МУНДАРИЖА

ТОЙЧИЕВА НАСИБАХОН СУРАНБАЕВНА
Сходства и различия в процессе формирования терминологии
бытовой лексики в узбекском и русском языках 58

BOBOMUROTOV FARRUKH,
DAVLYATOVA ELVIRA MURATOVNA
The problems of reconstruction aphoristic prose of e. M. Remarque in uzbek translations..... 64

НАЗАРОВА МАНЗУРА НАСРУЛЛАЕВНА,
БАХТИЁРОВ ШОХЖАХОН
Роль речи в развитии мышления..... 68

QAHRAMONOV ISLOM BOTIR O‘G‘LI
DAVLYATOVA ELVIRA MURADOVNA
The problems of thematic classification of
military terms in english and uzbek languages..... 71

ADABIYOTSHUNOSLIK

АБДУЛЛАЕВ МУҲАММАД ҲАМЗАЕВИЧ
Убайдий ва шайх Саъдий..... 75

МУСТАФОҚУЛОВ РЎЗИҚУЛ БОЙНАЗАРОВИЧ
Мангу барҳаёт сиймо..... 78

ТОИРОВА ДИЛФУЗА ФАЙЗУЛЛАЕВНА
Эстетика запада и востока в творчестве Гюстава Флобера..... 83

TAJIBAYEVA DILFUZA ERKINOVNA
Poetik timsol yaratishda oq rang tasviri 86

МУСИНОВА ЗЕБО ТУРАБОВНА
Разоблачение роковых последствий в историческом
Романе эжена сю «жан кавалье» 88

MANSUROVA UMIDAXON IBROHIMOVNA
Badiiy asarda biografik tasvirning o‘rni 92

BOYMURATOVA NARGIZA BOZORBOYEVNA
Tasavvufiy timsollar va she’riyat 96

NAZAROVA NAMUNA ABDUMAJITOVNA
Sirojiddin Sayyid ijodidan bir g‘azal tahlili..... 98

Filologik tadqiqotlar: til, adabiyot, ta'lim. 2024; 11
ISNN: 2181-1741 (Print)
ISNN: 2181-1725

УБАЙДИЙ ВА ШАЙХ САЪДИЙ

Абдуллаев Муҳаммад Ҳамзаевич,
Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети
араб тили таржима назарияси ва амалиёти кафедраси доценти
филология фанлари номзоди

Ижодкорнинг адабиётдаги ўрни, аввало, унинг миллий адабиётга қўшган ҳиссаси билан белгиланади. Ижоднинг асли моҳияти янгилик нияти билан салафлар ижодини давом эттириш, яъни ишланган-сайқал берилган адабий анъаналардан оғишмай қалам тебратишдир. Бу дунё тасодифий илоҳий неъматларга бой. Қаранг, форс ғазалчилигида биринчи тамал тошини қўйган Саъдий Шерозий билан ундан бир неча юз йил кейин яшаб ижод этган Убайдий ғоялари муштаракдир. У ҳам форсий-арабий ва туркийзабон салафлари анъаналарини давом эттирган маҳоратли шоирлар сирасига киради. Убайдий ўндан зиёд жанрда ҳормай-толмай тер тўкиб, меҳнат қилиши, рости, ижодий куч-қувватнинг тўлиб тошганидан далолат беради. Ўша салафларидан бири шоирлар шайхи ҳазрати Саъдий Шерозийдир.

Шарқ мумтоз адабиётининг буюк намоёндаларидан бири Муслиҳуддин Саъдий Шерозий (1184-1292) مصلح الدين بن عبد الله شيرازي. Марказий Осиё ва Яқин Шарқ ўлкаларида «Шайх Саъдий» номи билан машҳур. Унинг фасоҳату балоғат билан йўғрилган «Гулистон» (китоб 1258 йил ёзилган) ва «Бўстон» каби асарлари мадрасаларда одоб-ахлоқ дарслиги сифатида ўтилиб келинган. Бу китоблар ўша даврнинг ўзида дунё китобхонларига суюкли китоб сирасига кириб улгурган. Ҳеч бир Марказий Осиёлик китобхон оила йўққи, Саъдий китоблари китоб жавонида бўлмаса. Туркийзабон ижодкорлар ҳам, Навоий ва Убайдийдан тортиб то ҳозирги замондаги шоирларгача Саъдий ижодини чуқур ўрганиб, ундан баҳраманд бўлиб келмоқда.

Турк адабий танқидчиси Зиёпошо Усмоний «خرابات Харобот» номли асарида Шайх Саъдий ижоди ҳақида қуйидагича баҳо беради: Фирдавсий «Шоҳнома» асарини вужудга келтириш учун ўттиз йил машаққат тортди, ҳақиқатан, ўлмас бир асар вужудга келди. У – форс шоири қуёшнинг юз йигирма хил чарақлашини юз йигирма рангда тасвирладики, бир-бирига ўхшамас. Аммо «Шоҳнома» шу бебаҳолиги билан Саъдийнинг «Гулистон»и ва «Бўстон»идек халққа фойда-манфаат келтирмади. Чунки Саъдий асарида дунёни – тирик оламни тасвирлаган. Агар адабий меҳнатдан мақсад халқ манфаати бўлса, ҳар бир сўз «Гулистон»у «Бўстон»да топилмас дурдир, ҳар байтида бир хазина мавжуд.[1]

Зайнидин Восифий эса «Бадоиъ ул-вақоеъ» асарида шоирни шундай таъриф этади: Фасоҳатлиларнинг энг фосиҳи, шоирларнинг энг ширинтакаллуми ҳазрати Шайх Саъдийдир.[2]

Биз бу таърифларга яна қўшимча келтирмоғимиз мумкин: қадимда Ҳижоз араблари шоирларининг энг сара байтларини Каъба деворига осиб қўйганлар ва байт эгасига кўп-кўп совғалар беришган. Бу байтларни «Муъаллақот» деб ҳурмат билан тилга олишган эканлар. Саъдий араб тилида эмас, ўз она тилиси – форс тилида ажойиб «муъаллақот» яратган ва унинг шеъри бутун дунёда кўз-кўз қилиниб, БМТ нинг пештоқида осиб қўйилган:

بني ادم اعضاي يكديكرند ،
كي در افرينش ز يك جوهرند.
جو عضوي بدرد اورد روزكار،
دكر عضوهارا نماند قرار...
تو كز محنتي دكران بيغمي،
نشايدكي نامت نهند أدمي

(Одам фарзандлари бир аъзодан, улар бир жавҳардан яратилган.

Гар инсоннинг бир аъзоси оғриса, бошқа аъзоларга роҳат йўқ.

Ўзгалар ташвишидан беғамсан, сени одам деб бўлмас.)

[1] مصلح الدين سعدي شيرازي. كليات سعدي. تهران-1369
[2] Зайнидин Восифй, Балоеъу вақоеъ. Душанбе-2008.

«Луғатнома»[1] да ёзилишича, Саъдий Шерозий: ёшлигида, аввал Шероз ва ундан кейин ўн уч ёшидан Бағдоддаги «Низомия» мадрасасида таълим олади. Саъдий Боғдодда Ибн Жавзий* каби ўз даврининг етук олимларидан асосий арабий илмларни ўрганади ва Шерозга қайтганида унга отабекийлардан Султон Отабек Абубакр ибн Саъд ибн Занги (1226-1270 м.) оталиқ қилади. Шунинг учун ҳурмат юзасидан отабекийлар бобоси исмини ўзига тахаллус қилиб «Саъдий» деб номлайди. Унинг «шайх» унвонини қачон ва қаерда олганлиги ҳақида тўлиқ маълумот йўқ, лекин бу унвон арабларга хосдир. Уни, бизнинг тахминимизча, Бағдодда бўлган вақтида олади.[2] «Шайх» сўзи арабчада *кекса, бошлиқ, эр, муфассир, ҳадис ва фиқҳ олими*, *тариқат пешвоси* ва *бир соҳада катта ютуққа эришган олим* ҳамда бошқа маъноларда бўлиб, кўпни кўрган, билимдон, насиҳатгўй, мураббий кишиларга нисбатан лақаб сифатида қўлланилган. Дарҳақиқат, манбаларга кўра, шоирлардан бу муборак унвон Саъдийгагина берилган экан. У ўзининг юз йилдан ортиқ узоқ умрининг ўттиз йилини илм таҳсилида ва илм йўлидаги саёҳатда ўтказган. Шоирга, албатта, «шайх» унвон жуда мос келади.

Саъдийнинг ҳаёти ва ижодини ўрганиш шу хулосани берадики, унда шоирлиги мутафаккирлиги билан қоришиб кетган, у буюк файласуф, педагог, доно, инсондўст мураббий шоир, етук психолог олим бўлган. У мўғуллар истилоси даврида яшаган. Ўша замонда инсон, устоз Иброҳим Ҳаққул таъкидлаганидек, мардни номардга муҳтож айлаган, оқилу одилни жоҳил дастига топширган бир давр бўлган. Саъдий баъзи қадр топмаган шоирлар сингари ўз замонасидан шикоят оҳангидаги шеърлар билан эмас, балки маърифат қиличини яланғочлаб, таҳлика ва қўрқувни енгиб, бутун инсониятга эзгулик ифорини тарқатадиган асарлар билан халққа манзур бўлган. Шоир аниқ билардики, зўравонлик ва шеърият, қабоҳат ва адабиёт, ижодкорлик ва хушомад ҳаргиз бирикмаслигини, шунинг учун ҳам унинг ажойиб ҳаётдек кенг ва ранго-ранг ижодида ёрқин мисралар ўз даври учун машъал бўлиб порлаган ва ҳозирги кунгача жилвасини йўқотмаган гавҳарлар билан бир қаторда ўша даврнинг қора тамғаси тушган ёқимсиз доғларни ҳам кўрамиз. Биз Убайдий ҳаёти ҳақида маълумот берган тарихий манбаларни кўрганимизда, Саъдий Шерозийдан бир неча аср кейин ўтган Убайдий «Гулистон»даги «Подшолар сийрати» ўгитларга тўлиқ амал қилганлигини гувоҳи бўламиз. Тарихи Рашидийда Убайдий ҳақида қуйидаги сатрлар мавжуд: (у) мутадаййин, мутаққий ва ҳамма ишларида миллат ва давлат мулкини амонат сақлашга бир сочнинг толасича ҳам ташқари чиқмаган ҳукмдор эрди.[3]

Биз Саъдий Шерозийни кўп саёҳат қилиб, ҳаёт тажрибаси ортирган билимдон олим, дедик. Чунки олим саёҳати – илм манбаи. У ўзини бошқаларга раҳнамо ва мураббий ҳисоблайди, ҳаёт синовларидан эсанкираб йўл тополмай қолган кишиларни тушкунлик ва саргардонликдан қутқариш, уларга тўғри йўлни кўрсатиб беришни ўзининг бурчи эканлигини ўз ижодида акс эттириб беради. Шоир бир шеърида

Чу кўрдинг кўр киши йўлида чоҳдир,
Индамай ўтирсанг катта гуноҳдир...

дер экан, бошқаларга ҳам шу бурчни уқтиради. Саъдий назарида инсон фақат ўзи учун эмас, бошқалар тақдири учун ҳам, бутун башарият тақдири учун жавобгар.

Саъдий инсоният кўзини очишга, унга яшаш йўлларини ўргатишга бутун умрини бағишлайди ва ҳаётда инсонни тақволик ва оловли қалби ёниб турган, бақувват, иродали ва мағрур кўришни истайди. Инсоний қадр-қимматни у биринчи галда иймонда, ақлу билим ва ҳунарга таянишда кўради, Аллоҳдан ўзгага хор бўлмасликда деб тушунади ва шундай таълим беради:

Ўз меҳнатидан нон еган киши,
Ҳотам миннатидан озод ёз қиши...

Шоир ризқ Аллоҳдан эканлигини эътироф этган ҳолда;

Ризқ агар ҳар кимга келур бегумон,
Ақл дер: «Қидиргил уни сен ўзинг».

Ҳамма нарса ҳам фақат саъйи ҳаракату ғайрат ва таваккул билан жасурлик орқали қўлга кириши мумкинлигини «Гулистон»нинг кўп ҳикояларида лўнда қилиб кўрсатиб беради;

Рисқингдан ортиқни еб бўлмаса ҳам,
Талабда бўлмағил дангаса, беғам.
Ғаввос наҳанг оғзин ўйласа гар,
Қўлга киритолмас ҳеч дурру гуҳар.

Шер нима овлай олар токи инидан чиқмай,
Чангалига не тушар ерга ётса қарчиғай.
Ов қилмоқни истасанг ўз уйингдан чиқмаёқ,
Ўргумчак оғзидек нозик бўлар қўл-оёқ.

Буни Убайдий қуйидагича таърифлайди:
Ғайрат гар бўлмаса эр кишига,

[1] *Абулфараж Абдурраҳмон ибн Алий Абулфазоил Жамолиддин Бағдодий 508-597ҳ—1114-1201мелдий. Фақиҳ,-муҳаддис ва бошқа илмлар соҳиб, юздан эиёд китоб муаллифи. Низомия мадрасасида кўп йиллар мударрис бўлган.

[2] علي اكبر دهخدا لغة نامه تهران. 2015.

[3] ميرزا حيدر. تاريخ رشيدي. ЎзФАШИ .қўлёзма, Инв.1730.

Ҳеч маза бўлмас анинг ишига...
Ёр бўлур ғайрати бор эрга бахт,
Ҳам ўлур ул ғайрат ила тожу тахт...[1]

Шунинг учун ҳам шоир инсон қадрини, инсоннинг одамий-лик шарафини ерга урадиган тама, ҳасад ва шунга ўхшаш манфур одатларни қаттиқ қоралайди. «Бўстон» ва «Гулистон» китобларида устози Ибн ал-Жавзийнинг اذ احتاج العالم للناس فقد مات علمه و هو ينظر (Олим одамларга муҳтож бўлса, илми ўлибди, у эса мўлтиллаб қолибди) деган ҳикматини шоир қўйидагича баён этади:

Нахўрад шер нимхўрдаи саг,
Гар бар сахти бимирад андар ғор.
Тан дар бечорагию гуруснаги
Биниҳу даст пеши сифла мадор.

(*Шер итдан қолганни емас, қийналиб инида ўлса ҳам.*
Оч-наҳорлик яхшидур, паскашга қўл чўзгандин)

Яна,

Олиб борма шоҳга таъмали сўзинг,
Таъмани йўқотганда шоҳсан ўзинг.
Жирканчдир хор бўлиб топилган овқат,
Қозон тўлур аммо ор билан фақат,

каби ҳикмат тўла мисраларни Убайдий ўзгача баён этади;

Ўхшатурлар томеъни итга доғи,
Сени ит каби қопса нетгойсен.
Маслаҳат улдирким, онинг ила
Ошнолиқни тарк этгойсен.

Саъдий ҳасадни манфурлигини тавсиф этиб ва ҳосиднинг хислатларини фош этган қуйидаги байтда:

Қаро бахт кишилар, бахтиёрларнинг,
Ҳамиша заволин орзу қилади.
Кўршапалак кундуз кўра олмайди,
Хўш бунда куёшниг айби нимади?
Минглаб кўршапалак кўр бўлса бўлсин,
Қуёш порлай берсин кўкда абадий,
Убайдий:
Ҳасадинг зарра бўлса, бўлурсен
Ул ҳасад ўтиға кабоб охир.
Ҳарким ичса ҳасад шаробидин,
Қилғуси они ул шароб охир.

Саъдий инсондаги сархушликдек ёмон хислатларни орттирадиган, уни ҳатто ёлғончилик, ўғирликка бошлайдиган, дағдаға, жанжал чиқариб инсон шарафини пастга урадиган майхўрликни ҳам қаттиқ қоралаган шоир «Асали арзимас неши заҳрига» дейди ва май ичиб, хурсанд бўламан деганлар кўпинча алданиб, соғлигидан ва обрўсидан ажраб, қолишлигига ишора қилиб, киноя билан:

Май ичишар ёноқ бўлсин деб зебо,
Охири юзни у қилар қаҳробо!

деса, Убайдий бу байт мазмунини темурий султонларга қарата қуйдагича баён этади:

Доим ишинг ичмак ила мирзолиғдур,
Расволиғ ила мудом шайдолиғдур.
Ҳолинг бўлубон харобу расво бўлдунг,
Оё, бу не ҳолу бу не расволиғдур?!.

Хуллас, Саъдий шундай бир буюк ижодкорки, ўз миллий адабиёт доирсидан чиқиб, умуминсоний фахри ва ижоди эса аллақачон умумбашар мулкига айланиб бўлган. Шоир ҳаётда мардонавор меҳнатга, ростгўйликка, билим-ҳунар орттиришга чақиради. У текинхўрлар ва золимларни аёвсиз фош қилиб, хаммага озор берувчи золим кишидан кўра одам юкини енгил қиладиган иш ҳайвонларини афзал кўради.

Саъдий Шерозий ва Убайдийдек Шарқ ижодкорларнинг ижтимоий-сиёсий ва диний муштараклик улар ижодига хос ғоявий йўналишни белгилаб берганини гувоҳи бўлдик. Албатта, улардаги гўзал иймон билан йўғрилган қалб оловлари ҳар икки маданият – форс ва туркий ижодда ҳамиша порлаб туради. Агар шеъриятда ўша олов ҳарорати бўлмаса, инсон мижозига ҳар қандай шеър музданда совуқ туюлади.

Резюме: Убайдий ва Шайх Саъдий – ўз замонасининг йирик шоирлари ва мутафаккирларидир. Уларнинг ижодий мероси Шарқ адабиётининг классик намояндалари сифатида ўрганилиши керак. Убайдий, Форс, Араб ва Турк тилидаги анъаналарнинг давомчиси сифатида адабиётга катта ҳисса қўшган. Саъдий Шерозий эса ўзининг «Гулистон» ва «Бўстон» асарлари орқали ўша даврнинг ахлоқий ва маънавий қоидаларини ўргатган.

Саъдий ўзининг кенг билимлари, фалсафий қарашлари, ва инсоният ҳақидаги чуқур фикрлари билан танилган. Унинг асарларида инсонпарварлик, иймон, меҳнат ва сабрнинг аҳамияти кенг ёритилган. Саъдий ва Убайдий, ўзларининг шеърий асарлари орқали, ўз замоналарида юзага келган нохуш

[1] Садий, Гулистон. Тошкент-1959.

ҳолатларга қарши курашишди. Уларнинг асарлари ҳозирги кунгача ўқилиши ва ўрганилиши керак бўлган бебаҳо меросдир.

Resume: Ubaydiy and Sheikh Sa'di are significant poets and thinkers whose works contribute greatly to the classical tradition of Eastern literature. Ubaydiy, in his own way, continued the literary traditions of his predecessors, creating works in Persian, Arabic, and Turkish, while Sheikh Sa'di of Shiraz is renowned for his philosophical depth and moral teachings in his famous works «Gulistan» and «Bustan».

Sa'di is not only known for his eloquent expression but also for his profound moral reflections. His writings emphasize the values of hard work, patience, morality, and spiritual growth. Both poets, through their literary works, engaged in a struggle against the social injustices of their time, leaving behind a timeless legacy that continues to be relevant for study and inspiration today.

Резюме: Убайдий и Шейх Саъди — великие поэты и мыслители своего времени, чье творчество стало важной частью классической восточной литературы. Убайдий продолжал традиции своих предшественников, создавая произведения на арабском, персидском и турецком языках, а Саъди Ширази оставил глубокое философское наследие через свои работы «Гулистан» и «Бустон».

Саъди известен не только своей литературной выразительностью, но и глубокими нравственными учениями. Его произведения акцентируют внимание на значении труда, терпения, морали и духовного роста. Оба поэта стремились через свои стихи противостоять социальной несправедливости своего времени, предоставляя ценнейшее наследие, которое до сих пор является актуальным для изучения и понимания.

Filologik tadqiqotlar: til, adabiyot, ta'lim. 2024; 11
ISNN: 2181-1741 (Print)
ISNN: 2181-1725

МАНГУ БАРҲАЁТ СИЙМО

Мустафоқулов Рўзиқул Бойназарович
Термиз давлат университети ижтимоий фанлар факультети бошланғич таълим кафедраси доценти, филология фанлари номзоди

Ҳар бир давр ўз қаҳрамонлари, донишмандлари ҳамда санъаткорларини майдонга чақиради. Улар ўз фаолиятларида даврнинг илғор руҳини, халқ кураши ва орзуларини қанчалик мужассам қилганликларига қараб қадр топадилар, барҳаётликка юз тутадилар. Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий ўз даврида ўзбек халқининг эрк йўлидаги асрий кураши ва интилишлари, эзгу орзуларини мужассам этган улуғ фуқаро, серқирра даҳо, санъаткор, ижтимоий арбоб сифатида тарихга кирди. Авлодлар наздидан ўчириб бўлмас ва улуғвор ҳайкал сифатида мангу – барҳаётлик касб этди. Ҳ.Ҳ. Ниёзий ташаббус кўрсатиб, меҳнаткаш халқ фарзандларига маърифат ўчоқларини очди. Барча асарларида илғор идеалларни ғоявий-бадиий жўшқинлик билан ёритди. Жанговар шоир, драматург, композитор, театр санъатининг йирик моҳир педагог ва фаол жамоатчи Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий 1889 йилда Қўқонда тароқчи оиласида туғилди.

У ижодини, асосан, 1905 йилдан бошлади. Ўз фаолиятининг бошиданоқ илм ва таълим, педагогика масалалари билан бошлади. Шоир икки йил давом этган чет эл сафаридан сўнг (1914 йил) адабий-ижодий иш билан бирга педагогик ишларини ҳам фаол олиб борди. У Қўқонда «Дорул-айтом» («Етимлар мактаби») номи билан мактаб очиб, унда ўзи ўқитувчилик қилди, мактаб учун зарур бўлган қўлланмаларни ҳам ўзи тузди.[1]

[1] Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий. Мукаммал асарлар тўплами, иккинчи том, "Мактаби дорил айтом". Ўзбекистон ССР "фан" нашриёти, Тошкент-1980, 256-260- бетлар.